

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 7/S
2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Холлиев Азизбек Гўзалович</i> РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)	7-13
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i> ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	14-25
<i>Бобоҷонов Шавкат Улуғбековиҷ</i> ФЕНОМЕН БАҲАУДДИНА НАҚШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА	26-31
<i>Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna</i> ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS ETISHI	32-39
<i>Isarov Umidulla Isar o'g'li</i> “ILK KO'CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI	40-45
<i>Исламов Шарифжон Ганиджанович</i> “КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ	46-54
<i>Фарманова Гулнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ ХХ ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И А.И.ТЕРЕНОЖИНОЯТ КОДЕКСИИНА)	55-64

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i> QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI	65-71
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI	72-79
<i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна</i> ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ	80-90
<i>Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich</i> PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS	91-98
<i>Темиров Шоҳруҳжон Пўлатхўжа ўғли</i> КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	99-108

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Raximova Dildora Abzalovna</i> GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI	109-114
---	---------

Искандаров Жаҳонғир Шарипович
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ 115-121

Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna
YOSHLARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI 122-128

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Axmedov Oybek Saparbaevich
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ
ХОДИСАСИННИГ ЎРНИ 129-137

Rasulova Gulbahor
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR 138-143

Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li
КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ТАQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugли, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND
RESEARCH 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugли, Hafizov
Sarvar Boborajab ugли, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S
WOMAN" BY JOHN FOWLES 160-166

Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich
О'zbek tilida yaratilgan chappa (ters) lug'atlari haqida 167-176

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ 177-187

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna
MATNNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA 188-192

Xaydarov Azamjon Asqarovich
“OZIQ OVQAT TEXNOLOGIYASI YO’NALISHI” TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O’QITILISHDA
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI 193-198

Allamurodova Sabohat Ibodullayevna
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV 199-204

Gaynullaeva Yulduz Anvarovna
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING 205-210

Холлиев Азизбек Гўзалович
ЎзМУ “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори
E-mail: azizbekholliiev@gmail.com

РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

Аннотация. Тақдим этилган мақолада XVIII аср ўрталари – XIX аср биринчи ярмида Россия империясининг АҚШ билан савдо алоқаларининг ривожланишига оид асосий воқеалар ва жараёнлар таҳлил қилинган. Аниқ статистик маълумотлар ва фактik материаллар негизида икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларининг ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилган. Россия бандаргоҳларига Америка савдогарларига тагишли кемаларнинг етиб келиши, ўзаро савдо кўрсаткичларининг тарихий динамикаси каби масалалар мақолада ўз аксими топган.

Калит сўзлар: Россия, АҚШ, ўзаро савдо, савдогарлар, бозор, экспорт, импорт, товарлар.

Kholliev Azizbek Guzalovich
Associate Professor of the Department of World History, NUUz
Doctor of Sciences in History

FROM THE HISTORY OF RUSSIAN-AMERICAN TRADE RELATIONS (MIDDLE XVIII – FIRST HALF OF THE XIX CENTURY)

Abstract. This article analyzes the main events and processes associated with the development of trade relations between the Russian Empire and the United States in the mid-18th - first half of the 19th centuries. The state of trade relations between the two countries is comprehensively reviewed on the basis of accurate statistical data and factual materials. The article reflects such issues as the arrival of ships belonging to American merchants at Russian ports, the historical dynamics of mutual trade indicators.

Keywords: Russia, USA, mutual trade, merchants, market, export, import, goods.

Холлиев Азизбек Гузалович
Доцент кафедры “Всемирная история” НУУз,
доктор исторических наук

ИЗ ИСТОРИИ РОССИЙСКО-АМЕРИКАНСКИХ ТОРГОВЫХ СВЯЗЕЙ (СЕРЕДИНА XVIII- ПЕРВАЯ ПОЛОВИНА XIX ВЕКА)

Аннотация. В представленной статье анализируются основные события и процессы, связанные с развитием торговых связей между Российской империей и США в середине XVIII – первой половине XIX века. Состояние торговых отношений между двумя странами всесторонне рассмотрено на основе точных

статистических данных и фактических материалов. В статье отражены такие вопросы, как прибытие судов, принадлежащих американским купцам, в российские порты, историческая динамика показателей взаимной торговли.

Ключевые слова: Россия, США, взаимная торговля, купцы, рынок, экспорт, импорт, товары.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N01>

Россия ва Америка ўртасидаги савдо алоқалари ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Тадқиқотчи Н.Н.Болховитиновнинг фикрича, АҚШ мустақиллиги эълон қилинишига қадар Россия ва Америка ўртасидаги савдо алоқалари фақат Буюк Британия орқали амалга оширилганлиги ва фақат вақти-вақти билан америкаликларнинг тасодифий кемалари Болтиқ денгизи портларига келиб қолишлари исботланган ҳолдир[1;156-б.].

Россияга бориш учун Атлантика океанини кесиб ўтган биринчи кема 1763 йил май ойида Кронштадт портига етиб келган. Ушбу кема шакар, ром, индиго, қизил дарахт, сассафрас* (*сассафрас — мебель, қайиқ, бочкалар ва ёғочсозлик саноатининг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган енгил ва юмшоқ ёғоч-тахта) олиб келган, сўнgra эса каноп, темир ва қалин газлама юки билан Янги Англияга қайтиб кетган.

Инглиз маъмурларнинг америкалик кемасозлар ва савдогарларнинг бундай фаолиятини тақиқлашга уринишлари муваффақиятсизликка учраган[2;33-34-б.].

1763-1766 йиллардаёқ Америкадан Россияга камида саккиз марта муваффақиятли кема сафари амалга оширилган. Айниқса Бостон шаҳридан бўлган машхур савдогарлар — ака-ука Бойлстонлар Россия билан бевосита алоқаларни ўрнатишида фаоллик кўрсатган. Россия билан савдо-сотиқда Филаделфия шаҳри кемалари ва бошқалар ҳам қатнашган.

Қайд этиш жоизки, Шимолий Америкада Мустақиллик учун урушнинг бошланиши билан Россиядан кўплаб товарлар (каноп, темир, елканли мато, кема мачталари) Франция ёки Голландия байроқлари кўтарилиган кемаларда йўлга чиқар, очиқ денгизда эса байроқлар Американикига алмаштирилар эди.

Россиянинг Бордодаги консули А.Витфот, Америка билан савдо алоқаларини ўрнатишининг фаол тарафдори бўлиб, ўз ташаббуси билан Россия байроғи остида бир нечта кемаларни океан ортига юборди. 1778 йилнинг 12 майида консул Коммерс-коллегияга “Россия ва АҚШ ўртасида савдо-сотиқни йўлга қўйишининг афзалликлари ҳақида” маҳсус ҳисобот юборди[3;1,2-3-в.]. Гарчи коллегия дастлаб Ташқи ишлар вазирлигининг розилигини олмасдан унинг таклифларини расман маъқуллашга журъят этмаган бўлса ҳам, Витфотнинг ҳисоботи Коммерс-коллегия томонидан ҳеч қандай танбеҳсиз қабул қилинди [4;4-в.].

Шимолий Америка мустамлакаларининг мустақиллик учун уруши даврида Россия қуролли бетарафлик сиёсатига амал қилди. 1780 йил 27 февраль (9 март) декларацияси АҚШ раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Бироқ, Россия ва АҚШ ўртасидаги савдо алоқаларининг аҳамияти ва истиқболлари бир хил баҳоланмади.

Умуман олганда, Россия жамоатчилигига АҚШнинг пайдо бўлиши Россия учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан фойдалидир, деган фикр устунлик қила бошлади.

Россия ва АҚШ ўртасидаги савдо соҳасидаги биринчи алоқалар Шимолий Америка мустамлакаларининг Буюк Британиядан мустақилликни қўлга киритиш учун олиб борган урушнинг якунловчи даврига тўғри келади деб ҳисобланади.

Хусусан, 1783 йил 12 июнда капитан Д.Макнейл қўмондонлигидаги Рига портига етиб келган кема юкида туз, шакар, гуруч ва бренди каби маҳсулотлар бўлган. Кейинги, яъни 1784 йилда Петербург портига камида бешта Америка кемаси етиб келган. Улар орасида Ж.Каботга тегишли “Бюканиер” ва “Коммерс”, шунингдек, Э.Х.Дербига тегишли “Лайт Хорс” ва бошқа кемалар бор эди.

Шуни таъкидлаш керакки, “Лайт Хорс” кемаси ўзининг биринчи сафарида шакар олиб келган. Бутун юк ва кеманинг ўзи 8.000 фунт стерлингга баҳоланган. Шакардаги йўқотишлар туфайли, ушбу кема сафари унчалик муваффақиятли бўлмади, лекин у Салем шаҳрида Россия ва бошқа Болтиқ денгизи портларига нима олиб келиш мумкинлиги ҳақида тушунча ўйғотди ва жуда фойдали савдо-сотиқни бошлаб берди. Э.Дерби яна ушбу кемани 1785 йилда, кейин эса 1786 йилда охирги марта — капитан Ходжес қўмондонлиги остидаги “Эйстрия” билан бирга Петербургга жўнатди. Дербилар оиласи XIX асрда ҳам Россия билан савдо алоқаларини давом эттирди. Капитан Гудвин қўмондонлиги остидаги “Мария” кемаси 1784 йил май ойида “Крамп ва Казалет”[5;1-б.] компаниясидан юклари билан Россияга етиб келди. Ж.Филлипснинг ҳисобларига кўра, 1784 йилдан 1790 йилгача Салемдан Болтиқ денгизи портларига камида 19 кема сафари амалга оширилди[6;688-б.].

Россия Ж.Адамс, Б.Франклин ва Т.Жефферсонларнинг 1784 йил 22 сентябрдаги АҚШ билан дўстлик ва савдо-сотиқ шартномасини тузиш ҳақидаги мурожаатига жавоб бермаган бўлсада, амалда икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари анчагина маромда ривожланди.

Шундай қилиб, 1785 йилда Россия бандаргоҳларига 6, 1786 йилда эса 10 кема етиб келди. Россия портларига келаётган Америка савдо кемалари сонининг динамикасини Санкт-Петербург порти мисолида кўриш мумкин.

1783-1803 йилларда Санкт-Петербург портига келган АҚШ кемалари сони[7;236-239-б.]

йил	кемалар	йил	кемалар	йил	кемалар
1783	2	1790	22	1797	26
1784	1	1791	20	1798	39
1785	7	1792	24	1799	62
1786	10	1793	30	1800	23
1787	11	1794	43	1801	61
1788	10	1795	42	1802	65
1789	17	1796	59	1803	84

Америка кемалари ўша йилларда Россия портларига келган хорижий кемаларнинг жами сонининг кичик қисмини ташкил этди. Бироқ, уларнинг пайдо бўлишининг ўзи ва АҚШ билан даслабки савдо алоқаларни ривожлантиришнинг фундаментал аҳамияти муҳим бўлиб кўринади.

XVIII аср 90-йиллар ўрталарида ёк Россия товарларининг АҚШга импорти қиймати 1 млн. доллардан ошди, XVIII-XIX асрлар чегарасида эса 1,5 млн. доллардан юқори бўлди. 1783-1806 йиллар мобайнида америкаликлар Санкт-Петербургдан 393.460 пуд темир, 365.503 пуд каноп толаси (ва яна 27.986 пуд балиқчилик анжомлари), 369.365 елканли мато парчалари, 333.027 дона қалин газлама парчалари ва бошқаларни олиб чиқди[8;171-б.].

Россия савдо флотининг Америка қирғоқларида пайдо бўлиши одатда XIX асрнинг биринчи ўн йиллигига тўғри келади. Гап рус савдогари К.Анфилатов ҳақида кетмоқдаки, у 1806-1807 йилларда Санкт-Петербург ва Архангельскдан Америкага иккита катта кема юборган ва ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашига эришган[9;182-б.].

Гарчанд рус-америка савдосининг ҳажми жуда кичик бўлса-да, АҚШ билан алоқалар аста-секин маълум бир амалий аҳамиятга эга бўла бошлаган. Ўша пайтда Россиядан Америкага юқори сифатли Урал темири, каноп толаси, қалин газлама, денгиз анжомлари каби муҳим товарлар етказилган. Ўз навбатида, Россияга бевосита АҚШдан, ҳам айниқса, бошқа мамлакатлар орқали шакар ва кофе, тамаки ва бироз кейинроқ пахта олиб келинган.

Россия учун оғир 1807-1812 йилларда, инглиз кемаларига эмбарго қўйилганда, америкаликлар ўз молларини тўғридан-тўғри истеъмолчи мамлакатларга етказиб беришни бошлаган.

Рус-америка савдосининг ҳақиқий гуллаб-яшнаши 1807 йилги эмбарго бекор қилиниши ҳамда 1809 йилда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин содир бўлди. Қитъавий қамал шароитида бетараф Америка кемалари Россия бандаргоҳларига доимий ташриф буюрувчиларга айланди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россия ташқи савдосининг оёққа туриши ва ривожланиши содир бўлди. Бу даврда мамлакатнинг ташқи савдо алоқалари, унинг экспорт-импорт ихтисослашуви шаклланди, ташқи савдони ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари аниқланди.

Россиянинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ривожланди:

АҚШга келсак, “консуллик алмашинувига” қарамай, Россия ва Америка ўртасидаги муносабатлар “Бутун Россия императори ва Америка Кўшма Штатлари ҳукумати ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкам сақлаш тўғрисидаги конвенцияга” қадар ҳеч қандай меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган[10;29-б.]. Конвенциянинг расмий имзоланиши 1824 йил 5 (17) апрелда Петербургда бўлиб ўтди[11;20-б.].

Ушбу конвенциянинг 1-моддасида, хусусан, қуйидагилар белгилаб қўйилган эди: “... Олий аҳдлашувчи давлатларнинг фуқаролари денгизда ҳаракатланиш, балиқ овлаш ва ҳали эгалланмаган жойларда денгиз соҳилларига тушиш ҳуқуқидан қаршиликка учрамай ва тўлиқ эркинлик илиа фойдаланишлари мумкин....” [12;1-б.]

Россия-АҚШ иқтисодий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини расмийлаштиришда ўрин эгаллаган навбатдаги босқич 1832 йил 6 (18) декабрда “Савдо ва денгизчилик трактати”нинг имзоланиши билан боғлиқ бўлди.

Ушбу битимнинг амал қилиш муддати 1839 йил 1 (13) январгача белгиланди ва кейинчалик узайтирилди. Ҳужжат Санкт-Петербургда К.В.Нессельроде ва Д.Бьюкенен томонидан имзоланди, 1833 йилда эса Николай I уни тасдиқлади.

Шартнома икки давлат ўртасида савдо ва денгизчиликда, икки томонликка асосланган, эркинликни эълон қилиб, савдо ва навигация соҳасида имтиёзлар берди. Ҳужжат ҳар бир томоннинг хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи 13 моддадан иборат эди[13;23-б.].

Шартнома бандларига кўра, Россия империяси ва АҚШ аҳолисига ташқи савдога рухсат берилган барча бандаргоҳлар ва дарёларга кириш хуқуқи, шунингдек, у ерда тўхтаб, ҳамма жойда яшаш хуқуқи ўзаро таъминланган; томонларга портларда консуллар, вице-консуллар, агентлар ва комиссарларга эга бўлиш хуқуқи берилганди.

Бундан ташқари, ушбу шартномада шундай дейилган: “Агар битим тузаётган томонлардан бири кейинчалик бошқа халқларга савдо ёки денгизда қандайдир устунлик берса, худди шу пайтдан бошлаб бу устунлик иккинчи томонга ҳам берилади...” [14;158-б.].

Россия-Америка савдосининг кенгайишига қарамай, 1820-1840 йилларда рус товарлари АҚШ импортининг атиги 2-3%ни ташкил этган. Шундай қилиб, Американинг Россиядан импорти миқдори 1,6 млн. долларга етган эди[15;30-б.].

Шуни таъкидлаш лозимки, 1832 йилдаги савдо битими имзоланиши арафасида ва ундан кейинги ўн йилликларда Россия ва АҚШ ўртасидаги савдо ҳажми ва ривожланиш динамикасини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотчиларнинг турли хил ёндашув ва қарашлари мавжуд.

Жумладан, В.Кирчнер ўз тадқиқотида: “Американинг расмий статистикаси шуни кўрсатадики, президент Э.Жексон нутқидан олдинги 1833 йилда, ғазначилик ҳисоботларига кўра, АҚШнинг Россияга экспорти 618.311 долларни ташкил этган, кейинги йилда эса 329.148 долларгача тушган. Россиянинг АҚШга экспорти 2.772.500 доллардан 2.595.840 долларгача тушган ва АҚШнинг Россия билан савдосидаги камомад 200.000 долларга етган”[16;7-б.] деб, ёзади.

И.Курилла эса, 1832 йилги савдо битими тузилгандан кейин тижорат, қандай парадоксал бўлиб кўрилмасин, рус-америка ўзаро ҳамкорлигининг асосий мазмуни бўлишдан тўхтагани, шартнома тузилгандан кейинги ўттиз йил давомида умумий савдо ҳажми ошмасдан, айрим нисбий кўрсаткичларда пасайганлигини таъкидлайди[17;29-30-б.].

Ўз навбатида XIX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигидаги рус-америка савдосининг ҳолатини таҳлил қилган Н.Болховитинов фикрича, агар АҚШнинг Россия билан доллардаги савдо ҳажми бўйича расмий маълумотларни кўриб чиқилса, унда импортнинг экспортдан кескин устунлиги кўзга ташланади, аммо Россия статистикаси материаллари билан танишиш мутлақо ўзгача манзарани тақдим этади:

1827-1833 йилларда Россия-АҚШ савдоси [18;361-б.]

Йил	Экспорт (руб.)	Импорт (руб.)
1827	11.330.592	9.960.184
1828	13.668.722	10.168.198
1829	8.775.360	10.361.492
1830	4.657.742	25.306.141
1831	9.285.684	22.102.166

1832	8.585.696	20.494.417
1833	13.464.124	21.084.293

Мамлақатларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги, шунингдек, энг муҳими, ҳар икки давлат ишлаб чиқарувчи кучларининг ўхшашлиги туфайли АҚШ ва Россия ўртасидаги савдо алоқалари ҳеч қачон ўта катта ҳажмда бўлмади.

С.Гулишамбаровнинг фикрича, АҚШ Россиядан узоқда жойлашганига қарамай, уларнинг савдо манфаатлари асосан Буюк Британия ва Европа қитъасида тез-тез тўқнашиб келган[19;157-б.].

XIX асрнинг биринчи ярмида Россиянинг АҚШ билан савдосидаги асосий экспорт товарлари қаторида каноптола, темир, йўғон арқон ва оддий арқонлар, дағал юнг, шунингдек, зифир маҳсулотлари бор эди.

Америкадан Россияга асосан хом-шакар, пахта (ип газлама), мўйна, қаҳва, бўёқлар (сандал, индиго) ва тамаки импорт қилинган. Шакар импорти русларнинг Америкадан келтириладиган энг аҳамиятли маҳсулоти эди, аммо Россия империясига фақат хом-шакарни олиб кириш мумкин эди. Бироқ, ҳеч нарсага қарамай, унинг Россияга импорт ҳажми доимий равишда ошиб борди.

Хусусан, Г.Неболсиннинг маълумотларига кўра, хом-шакарнинг катта қисми Россияга асосан тўғридан-тўғри Америкадан олиб келинган; қолгани эса Буюк Британия, Гамбург, Бремен, Амстердам ва Фарбий Европанинг бошқа портлари орқали етказилган.

1827-1846 йилларда Россияга шакарнинг ўртача импорти (пуд.) [20;324-б.]

йил	Америкадан	Буюк Британия ва Европанинг бошқа портларидан	Жами
1827-1831	890.728	397.475	1.288.205
1832-1836	1.111.285	530.984	1.442.267
1837-1841	1.257.425	443.679	1.701.104
1842-1846	1.265.465	582.213	1.845.676

XIX аср ўрталарида Россия давлати АҚШни сиёсий масалаларда ўзининг тарафдори сифатида кўрган. Америка ҳам, ўз навбатида, Россия империясига нисбатан хайриҳоҳ позицияга амал қилган. Крим уруши даврида АҚШ Россияни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаган[21;103-114-б.]. Бу эса, табиийки, икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларининг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Болховитинов Н.Н. Россия открывает Америку. 1732-1799. - Москва: Международные отношения, 1991. - С.156.
2. Иванян Э.А. История США. - Москва: Дрофа, 2004. - С. 33-34
3. ҚҲРДА (Қадимий хужжатлар Россия давлат архиви), 276-фонд, 1-рўйхат, 668-иш, 1, 2 - З-варақлар.

4. ҚҲРДА (Қадимий ҳужжатлар Россия давлат архиви), 246-фонд, 1-рўйхат. 668-иш, 4-варақ.;
5. Документы-Северная Америка-Русско-американские отношения (1765-1815) - Документ №107 (<https://www.vostlit.info/Texts...>).
6. Philips J.D. Salem Opens American Trade with Russia. // The New England Quarterly. Vol. XIV, № 4, Dec. 1941. - P. 688.
7. Pitkin T. A statistical view of the commerce of the United States of America: its connection with agriculture and manufactures: and an account of the public debt, revenues, and expenditures of the United States. - Hartford: Printed by Charles Hosmer, 1816. - P. 236-239.
8. Болховитинов Н.Н. Россия открывает Америку. 1732-1799. - Москва: Международные отношения, 1991. - С.171.
9. Болховитинов Н.Н. Становление русско-американских отношений. 1775-1815. - Москва: Наука, 1966. - С.182.
10. Калинкин А.В. Внешняя торговля России в первой половине XIX в. / Документ. Архив. История. Современность: сб. науч. тр. Вып. 6. - Екатеринбург: изд-во Урал. ун-та, 2006. - С. 29.
11. Агаронов З. Б. Торгово-финансовые отношения между Российской империей и США: организационно-правовые формы (конец ХУШ - начало XX вв.): Автореф. дис... канд. юр. наук. - Москва, 2011. - С.20
12. Международное законодательство: Конвенции: Конвенция о непоколебимом сохранении дружественной связи между Императором Всероссийским и Правительством Соединенных Американских Штатов, заключенная в С.Петербурге 5/17 апреля 1824 года. (<http://worldlaws.narod.ru/kony...>)
13. Степанова Е.Е. Формально-юридический анализ Трактата «О торговле и мореплавании», заключенного между Российским государством и Соединенными Штатами Америки 6 (18 декабря) 1832 года // Вестник Восточно - Сибирского института МВД России, №1 (92) 2020. - С. 23.
14. Собрание важнейших трактатов и конвенций, заключенных Россией с иностранными державами (1774-1906) / с введ. и примеч. В.Н. Александренко. - Варшава: тип. Варшавск. учеб. окр., 1906. - С.158.
15. Калинкин А.В. Внешняя торговля России в первой половине XIX в. / Документ. Архив. История. Современность: сб. науч. тр. Вып. 6. - Екатеринбург: изд-во Урал. ун-та, 2006. - С. 30.
16. Kirchner W. Studies in Russian-American commerce 1820-1860. - Leiden: E. J. Brill, 1975. - Р.7.
17. Курилла И.И. Заокеанские партнеры: Америка и Россия в 1830-1850-е гг. - Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2005. - С.29-30.
18. Болховитинов Н.Н. Русско-американские отношения 1815-1832. - Москва: Наука, 1975. - С.361
19. Гулишамбаров С.О. Всемирная торговля в XIX в. и участие в ней России. - Санкт-Петербург: Тип. В.Киршаума, 1898. XIV. - С.157.
20. Неболсин Г. Статистическое обозрение внешней торговли России. Ч. 1. - Санкт-Петербург: Типография Департамента внешней торговли, 1850. - С. 324.
21. Беляков Д.А. Русско-американские отношения в середине XIX века // Мировая политика. 2015, № 4. - С.103-114. (<http://e-notabene.ru/wi/articl...>)

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o S/7(3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).